

**КАРАНТИНГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЕТИШНИНГ ЧЕТ ЭЛ
ИЛГОР ТАЖРИБАЛАРИ**

Муаллиф: Рўзмаматов Рўзмамат

Аннотация

Ушбу битириув малакавий ишида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирини амалга ошириш фаолиятини такомиллаштириш бўйича тушунчалар, умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимолик профилактика чора-тадбирларининг бугунги кундаги ҳолати ва амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари. Бундан ташқари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш фаолиятини ташкил этиш доирасидаги нормаларнинг амалиёт таҳлили ҳамда ушбу фаолият доирасида юритиладиган процессуал хужжатлар, ушбу фаолиятдаги муаммо ва камчиликлар.

Annotation

The revelance of the topic of research in this graduation work, the concept of organizing activities for the implemtentation of measures of inferior prophylaxis, the current state and implementation of general, special, individual and pereventiv measures of perevention. In addition the practice analysis of the norm of the organization of prophylactic offenses, and procedural documents, activities and shortcomings in the activity. Implementing the activities of prevention of offenses other than the best international practices of foreign

Калит сўзлар: карантин, карантин қоидалари, карантин билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар

Дунёning хар бир мамлакатларида юрт тинчлигини асраш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш каби чора тадбирларни амалга ошириш хар бир давлатнинг ўз олдига қўйилган вазифалардан биридир. Турли давлатларда маъмурий ҳудудларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти турлича йўллар, усуллар билан таъминланади. Ушбу соҳада хар бир давлат ўзига хос тажрибага эга бўлиб, уларни ўрганиш ҳамда юртимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимиға татбиқ этиш бугуннинг долзарб талабларидан биридир. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш борасида хорижий давлатлар тўплаган тажрибани ўрганиш бу масалага тизимли ёндашувни талаб қиласди. Шу сабабли, қўзланган мақсадга эришиш учун қўйидагича ёндашиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз: Хорижий давлатларда ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишда жамоат

тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимлари Хар бир давлатнинг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизими бошқа мамлакатларнидан муайян хусусияти билан ажралиб туради. Хар бир давлатнинг жамоат тартиби ва хавсизлигини таминлаш тизими бошқа мамлакатларнидан муайян хусусияти билан ажралиб туради бу борада ўзига хос тажриба Россия Федератсиасида тўпланган. Мамлакат конститутциясининг 72-моддасига мувофик конунийлик хуқук-тартибот жамоат хавсизлигини таминлаш шунингдек жиноятларни олдини олиш Россиф Федератцияси ва субъектларининг биргаликдаги бошқарувида амалга оширилади. Россия Федератцияси ИИВ федератция таркибига кирувчи республикалар ИИВ лари, ўлкалари, вилоятлар, федерал даражадаги шахарлар ички ишлар бош бошқармалари, бошқармалар ва бўлимлар, автоном вилоятлар ва округлар туман ва шахар ички ишлар органлари темир йўл, хаво ва сув транспорти тармок ички ишлар органлари, таълим мусассасалари ва илмий тадқикиот марказлари, ички кўшинилар хамда тизимга кирувчи бошқа таркибий тузилмаларнинг фаолиятига раҳбарлик килади. Россия федератциясининг «Политция тўғрисида»ги 2011йил 7-феврал конуни кабул килинган булиб ушбу конунда политция ижроия хокимияти федерал органининг ички ишлар соҳасидаги ягона марказлашган тизими таркибий кисми хисобланниб фаолиятнинг асосий йуналишлари куйидагилардан иборат: шахс жамият ва давлатни хуқукка хилоф тажовузлардан химоя килиш жиноя ва маъмурий хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва фош этиш жиноятларни аниклаш ва очиш жиноят ишлари бўйича суриштирувни амалга ошириш кидирувни ташкил этиш маъмурий хукуқбузарлик туғрисидаги ишларни юююритиш ва маъмурий жазоларни ижро этиш жамоат жойларида хукуқ тартиботни таминлаш курол савдоси соҳасидаги Россия Федератцияси конунчилигига риоя этилиши устидан конунчилигига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш хусусий дедективлик ва кўриклиш жабрланувчилар , гувоҳ ва жиноятга оид суд иш юритувидаги бошқа иштирокчилар судялар прокурорлар , терговчилар , ва хуқукни муҳофаза килувчи ва назорат органларининг бошқа мансабдор шахслари хамда курикланиши талаб этиладиган бошқа шахсларни давлат химояси билан таминлаш эксперт-криминалистик фаолиятни амалга оширишдан иборат. Ўзбекистон Республикасида эса ички ишлар органлари тизими милитция хуқуқий макоми билан фаолият олиб боради тизимининг хуқуқий асоси сифатида 2016-йил 16-сентябрдаги «Ички ишлар органли тўғрисида»ги конуни асос хисобланади. Хар иккала давлатлар ИИВ тизими вазифалари деярли бир хил таксимланган. Россия давлатида политция фаолиятини самарали йўлга кўйиш максадида Россия Федератцияси Ички ишлар вазирлиги таркибида қирқдан ортик Бош бошқарма, департамент , бошқарма ва марказлар ташкил этилган . Уларнинг орасида жамоат тартибини саклаш ва Россия федератцияси Ижро хокимияти сувъектлари билан хамкорликни мувофиклаштиришни таминлаш бош бошқармаси, Йул харакати хавсизлигини таминлаш бош бошқармаси, Йирик ҳалқаро

ва оммавий спорт тадбирларида жамоат хавфсизлигини таминлаш бошқармаси ва улар тизимидағи таркибий тузилмалар бевосита жамоат тартибини саклаш ва хавфсизлиги таминлаш вазифасини амалга оширса қолган бош бошқарма, департамент, бошқарма ва марказлар ўзига юклатилған асосий вазифаларни бажариш асносида маълум бир даражада ва вақтда ушбу фаолиятда иштирок этадилар. Россия Федератцияси ҳукуматининг 2000 йил 7-декабрдаги «Жамоат хавфсизлиги милицияси булинмалари тўғрисида»ги карорига мувофик Россия Федератциясида участка инспекторлари лавозими жорий этилган. Узбекистон Республикасида “ИИО таяч пунктларига” ўхшаш тузилмалар Россияда “тартибни саклаш таяч пунктлари” деб номланиб тартибни саклаш таянч пунктлари жамоатчилик органи хисобланиб унга кирувчи жамоатчилик тузилмаларининг келишилган холда фаолият курсатиши кенгашлар томонидан таминланади. Россия Федератциясида ички ишлар органлари тизими милициядан политцияга ўзгартирилгандан кейин мамлакатда тартибни саклаш таянч пунктлари политция участка пунктлари сифатида номлана бошлади.

Хуқуқшунос олим Ю.М.Козловнинг фикрича, маъмурий жазо чоралари маъмурий хуқуқбузарлик оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида қўлланилмайди. Агар маъмурий хуқуқбузарлик орқали жисмоний ёки юридик шахсга моддий зарар етказилган бўлса, хуқуқбузарлик ишини кўриб чиқувчи давлат органи маъмурий жазони тайинлаш билан бир вақтда, мулкий зарарни ундириш бўйича масалани ҳам ҳал этиши мумкин. Мулкий зарарни ундириш фуқаролик ишларини кўриб чиқиши тартибида амалга оширилади.

МЖтКнинг 22-моддасида маъмурий жазонинг мақсади тўлиқ ўз ифодасини топган ва унга кўра маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий хуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни хурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек, ана шу хуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги хуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Шу боис, жазолаш маъмурий жазонинг асосий мақсади эмас, балки хуқуқбузарлик содир этган шахсни Конституция ва қонунларни хурмат қилиш руҳида тарбиялаш, хуқуқ-тартиботни таъминлаш, ушбу шахснинг ўзи ва бошқа шахслар томонидан янги хуқуққа хилоф қилмишлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Қолаверса, маъмурий жазо, маълум бир маънода, жиноятларнинг олдини олишга ҳам хизмат қиласи. Бу борада Узбекистон Республикасининг Биринчи Президенти

Ислом Каримов «жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ. Жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликни олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади», деган эди.

Маъмурий жазо маъмурий қонунчиликка асосан хуқуқбузарлик содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан ваколатли орган, мансабдор шахс томонидан қўлланиладиган ва хуқуқбузарни қонунда назарда тутилган муайян хуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни вақтингча чеклашдан иборат мажбурлов чораси бўлса-да, хуқуқбузарни қийноққа солиш, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийикқа дучор этиш мақсадини кўзламайди. Бунинг исботи МЖтКнинг 8-моддасида ўз аксини топган, яъни маъмурий хуқуқбузарлик учун ҳеч ким мамлакатимиз Конституциясидан келиб чиқувчи қонунчилик хужжатларида белгиланган асослар ва тартибдан бошқача тарзда таъсир кўрсатиш чорасига тортилиши мумкин эмас. Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш қонунийликка риоя қилиш асосида олиб борилади. Маъмурий жазонинг мақсади ва вазифалари ўзаро уйғун ҳолда бирбири билан чамбарчас боғлиқdir. Маъмурий жазонинг вазифалари инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий мухитни муҳофаза қилиш, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш, маъмурий хуқуқбузарлик учун адолатли жазонинг муқаррарлиги, шунингдек, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз ичига олади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий хуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий хуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан қайси орган (mansabdar shahs) томонидан қай тартибда қандай маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 23-моддасига мувофиқ, маъмурий хуқуқбузарлик содир этганлик учун қўйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

1) жарима;

2) маъмурий хуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;

3) маъмурий хуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;

4) муайян шахсни унга берилган маҳсус хуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш хуқуқидан, ов қилиш хуқуқидан) маҳрум этиш;

5) маъмурий қамоққа олиш.

6) чет эл фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш. Маъмурий жаримадан ташқари барча маъмурий жазо чоралари, фақат Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланиши мумкин. Конунчилик хужжатларида маъмурий хуқуқбузарлик содир этганлик учун хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон

Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш назарда тутилиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10

апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни тъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон Фармони // URL: <http://www.lex.uz>.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14

мартдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

2833-сонли қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил

18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси булинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2896-сонли қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил

20 апрелдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги 3528-сонли қарори // URL: <http://www.lex.uz>;